Ё Расулуллоҳ, жиҳодни энг яхши амал деб биламиз. Жиҳод қилайликми?» деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Йўқ. Сиз (аёллар) учун энг афзал жиҳод мабрур ҳаждир», деб жавоб бердилар

Мўминларнинг онаси Оиша разияллоҳу анҳо: «Ё Расулуллоҳ, жиҳодни энг яхши амал деб биламиз. Жиҳод қилайликми?» деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Йўқ. Сиз (аёллар) учун энг афзал жиҳод мабрур ҳаждир», деб жавоб бердилар.
[Саҳиҳ] [Имом Бухорий ривояти]

Саҳобаи киромлар Аллоҳ йўлида жиҳод қилишни ва Аллоҳнинг душманларига қарши урушишни энг яхши амал деб билганлар. Шунинг учун Оиша разияллоҳу анҳо Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан жиҳод қилишга изн сўрадилар. Шунда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам аёллар учун энг афзал жиҳод нималигини баён қилиб, уларни мабрур ҳажга, яъни Қуръон ва суннатга мувофиқ келадиган, гуноҳ ва риёдан пок бўлган ҳажга йўлладилар.

http://sunnah.global/hadeeth/uz/show/2759